

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

БЕГМАТОВА МАЛОХАТ ХУШВАҚТОВНА

**ДАЛАЧОЙ (*HYPERICUM PERFORATUM* L.) НИНГ МОРФО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctorof philosophy (PhD)

Бегматова Малохат Хушвақтовна

Далачой (*Hypericum perforatum* L.)нинг морфо-биологик хусусиятлари..... 3

Бегматова Малохат Хушвақтовна

Морфо-биологические особенности зверобоя продырявленного
(*Hypericum perforatum* L.) 21

Begmatova Malohat Hushvaktovna

Morpho- biological features of St. (*Hypericum perforatum* L.) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

БЕГМАТОВА МАЛОХАТ ХУШВАҚТОВНА

**ДАЛАЧОЙ (*HYPERICUM PERFORATUM* L.) НИНГ МОРФО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/В390 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хамдамов Искандар**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мавланов Хударган**
биология фанлари доктори, профессор

Махкамов Тробжон Хусанбоевич
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.В.02.08. рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «24» шолба кuni соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 3-уй. Самарқанд давлат университети биология факултети мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-13-78, факс (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «9» шолба кuni тарқатилди.
(2021 йил «9» шолба даги 17-рақамли реестр баённомаси)



З.Т. Ражамуродов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
биология фанлари доктори, профессор

М.С. Кузиев
Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.К. Хайдаров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблилиги ва зарурати. Дунё миқёсида аҳоли сонининг кескин ортиши доривор ўсимликлар ва уларнинг хомашёсига бўлган талабни оширмоқда. Доривор ўсимликларни сунъий шароитда етиштириш билан уларнинг табиий захираларини сақлаб қолиш имкониятини беради. Сўнгги йилларда доривор ўсимликларни сунъий шароитдаги морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш орқали хомашёсини етиштириш ҳамда тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб бермоқда. Бу ўринда, истиқболли доривор ўсимликларни маълум бир худуднинг иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, фармацевтика саноати учун хомашё етиштириш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда доривор ўсимликларни маданийлаштиришга қаратилган амалий тадқиқотлар уларнинг онтогенетик хусусиятларига боғлиқ ҳолда турли етиштириш шароитларидаги фитокимёвий таркибини, биометрик кўрсаткичлари ва биомассасини аниқлаш ҳамда хомашё етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, истиқболли доривор ўсимлик ҳисобланган *Hypericum perforatum* нинг биоэкологик хусусиятларини асослаш, онтогенез босқичларига боғлиқ ҳолда ер устки ва илдизининг фитокимёвий таркибини аниқлаш ҳамда турли экиш шароитларида биомасса ҳосилдорлигини аниқлаш асосида хомашё етиштиришнинг технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда доривор ўсимликларнинг фитокимёвий таркибини аниқлаш ҳамда истиқболли турларини турли иқлим шароитларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш...»¹ муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда *Hypericum perforatum* нинг турли иқлим шароитларидаги морфо-биологик хусусиятларини асослаш, онтогенез босқичларидаги фитокимёвий таркибини аниқлаш ҳамда хомашё етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон “Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

тўғрисида” ва 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *H. perforatum* ўсимлигини биологияси, биологик фаол таркибий қисмлари кимёси, фармакологияси ва токсикологиясини ўрганишга оид материаллар бир қатор хорижий олимлар К.Berger et al. (2002), L.Patouka (2003), F.Garcia et al., (2006), S.J.Murch., P.K.Saxena (2006), J.Soelberg et al. (2007), A.Smelcerovic et al. (2007), ишларида баён қилинган.

МДХ мамлакатларида табиий шароитда ўсувчи *H. perforatum* нинг биологиясини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар Е.В.Тюрина., И.И.Баяндина (1997), Д.И.Семенихин., Э.М.Гонтарь (2000), Ю.А.Злобин, Л.Н.Бондарёва (2000), Л.И.Семенихина (2004) ишларида баён қилинган. *H. perforatum* ўсимлигини маданийлаштириш, унинг биометрик кўрсаткичларини ва биомассасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Е.В.Тюрина ва бошқ (1983, 1992), Л.П.Худякова (1989), Е.С.Васфилова (1991), Е.Ю.Маковецкая (1992), И.И.Баяндина (1995), Р.Е.Егошина ва бошқ (2003), А.Раал ва бошқ (2004), Э.Э.Эчишвили ва Н.В.Портнягиналар (2008) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистон шароитида истиқболли, ноёб доривор ўсимлик *H. perforatum* ни табиий шароитдаги захиралари ва фитокимёвий таркиби, гуллаш биологиясига оид тадқиқот ишлари А.С.Юлдашев, М.И.Икрамов, Х.Н.Нормурадов (1992), Г.Холдорбекова, А.А.Маткаримова (2014), Ш.Ф.Искандарова (2017) ларни ишларида акс эттирилган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишлари Самарқанд вилояти шароитида маданийлаштирилган *H. perforatum* ни кенг миқёсда етиштиришга тавсия бериш имконини бермайди. Шу боисдан, ушбу турнинг ўсиши ва ривожланиши, гуллаш биологияси, уруғ маҳсулдорлиги, ер устки қисмлари ҳамда илдизининг фитокимёвий таркиби, хомашё ҳосилдорлигини ўрганиш ва дастлабки агротехник усуллари ишлаб чиқиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария ва медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-11-004 ”Зарафшон воҳаси шароитида қалампир ялпиз ўсимлигини етиштиришнинг экологик тоза

агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Самарқанд вилояти шароитида маданийлаштирилаётган *H. perforatum* нинг морфо-биологик хусусиятларини асослаш ҳамда хомашё етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

H. perforatum уруғларининг лаборатория ва дала шароитларида унувчанлигини аниқлаш;

H. perforatum нинг онтогенез босқичлари, ўсиш динамикаси, ривожланиш даврлари ҳамда морфо-биологик хусусиятларини асослаш;

H. perforatum нинг фитомасса ҳосилдорлигини аниқлаш;

H. perforatum нинг ривожланиш фазалари бўйича фитокимёвий таркибини аниқлаш;

H. perforatum нинг мавсумий ва суткалик гуллаш биологиясини изоҳлаш;

H. perforatum етиштиришнинг технологик усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти шароитида маданийлаштирилаётган *H. perforatum* ва уни етиштириш технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети *H. perforatum* нинг морфо-биологик хусусиятлари, онтогенези, фитомасса ҳосилдорлиги, фитокимёвий таркиби ва хомашёсини етиштириш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда морфологик, фенологик, фитокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилоятининг бўз тупроқлари шароитида *H. perforatum* нинг онтогенез босқичларида ўсиш-ривожланиши, вегетатив ва генератив органларининг шаклланиши асосланган;

турли экиш шароитлари ва муддатларида уруғининг унувчанлиги, вегетация даврларидаги морфо-биологик хусусиятлари ҳамда гуллаш биологияси аниқланган;

Самарқанд вилоятининг бўз тупроқлари шароитида *H. perforatum* нинг фитокимёвий таркиби етиштириш технологиясига боғлиқлиги қиёсий жиҳатдан асосланган;

H. perforatum нинг экиш шароитлари ва муддатларига боғлиқ ҳолда уруғ маҳсулдорлиги, фитомасса ҳосилдорлиги аниқланган ҳамда сифатли уруғ ва хомашё етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

H. perforatum нинг турли ривожланиш даврларида ер устки ва ер остки қисмларининг фитокимёвий таркибини аниқлаш орқали Республикамизда фармацевтика саноати учун сифатли хомашё тайёрлаш имконияти яратилган;

Самарқанд вилояти шароитида маданийлаштирилаётган *H. perforatum* ни етиштиришда оптимал экиш усуллари ва муддатлари аниқланиб олинган натижалар асосида қишлоқ хўжалиги учун тавсия ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертация ишида қўлланилган ёндашув ва усуллар, кўп йиллик тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, ишда классик ва замонавий услублар қўлланилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг ўзаро мос келиши, илмий натижаларнинг республика ва ҳалқаро анжуманларда муҳокама этилганлиги, етакчи илмий нашриётларда чоп этилганлиги ва олинган натижаларга статистик ишлов берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *H. perforatum* нинг ўсиш-ривожланиши ва фитомасса ҳосилдорлиги аниқланганлиги, онтогенезининг турли босқичларидаги таҳлили, гуллаш биологияси ва уруғ маҳсулдорлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти далачой ўсимлигини Самарқанд вилоятининг бўз тупроқлари шароитида оптимал экиш усуллари ва муддатларини белгилаш, доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган хўжаликларда ўсимликни илмий асосланган ҳолда етиштириш ҳамда хомашё тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқаришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *H. perforatum* нинг Самарқанд вилояти шароитида ўсимликнинг интродукцияси ва морфо-биологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

H. perforatum ни бўз тупроқ иқлим шароитларига мос келувчи экиш усуллари бўйича тавсиялар Самарқанд вилояти Ургут туманидаги “Шерзод Шерқўзи Жамшит Рўзиевич” фермер хўжалигига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик Вазирининг 2020 йил 12 августидаги 02/026-2462-сон маълумотномаси). Натижада, доривор ўсимликнинг 1 га майдонда плантациясини ташкил этиш ҳамда ер устки биомассасини 14,8 ц/га ошириш имконини берган;

H. perforatum нинг уруғ маҳсулдорлиги, фитокимёвий таркиби ҳамда хомашё ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсиялар Самарқанд вилоят ўрмон хўжалиги фаолиятига жорий қилинган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 27 июлдаги 05/21-2081-сон маълумотномаси). Натижада, доривор ўсимликнинг сифатли уруғларини етиштириш ҳамда фармацевтика саноати учун хомашё тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий тадқиқот анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги

Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 5 та илмий мақола жумладан 4 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Далачой *Hypericum perforatum* L. ва бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили**” деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ҳамда бошқа давлатларда тарқалган *H. perforatum* нинг ботаник тавсифи, ареали, кимёвий таркиби ўз аксини топган. Келтириб ўтилган кам сонли илмий манбалар таҳлиliga кўра (Юлдашев, Икрамов, Нормурадов 1992; Холдорбекова, Маткаримова, 2014; Исқандарова 2017) маданийлаштирилаётган *H.perforatum* нинг морфо-биологик хусусиятларини тўла ёритмайди. Тадқиқот объекти бўлган *H. perforatum* ни Самарқанд вилояти шароитида морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш ва хомашёсини етиштириш технологияси ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот объекти, услублари ва ҳудуднинг тупроқ -иқлим шароитлари**” деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг географик ўрни, иқлими, тадқиқотнинг объекти, материаллари ва ўрганиш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўсимлик онтогенези Т.А.Работнов (1960) ва О.В.Смирнова (1997) усули асосида ўрганилди. Ўсимликнинг мавсумий ривожланиш маромини ўрганишда И.Н.Бейдеман (1960,1974) усулларида, гуллаш биологияси, кунлик ва мавсумий гуллаш динамикасини ўрганишда А.Н.Пономарев (1960) ва Х.Қ.Қаршибоев ва бошқ. (2008) методларидан фойдаланилди. Уруғларнинг лаборатория ва дала шароитида униқ чикишини умумқабул қилинган, Н.Н.Кулешов (1963) усулида аниқланди. Илдиз системасининг ривожланишини М.Г.Тарановская (1957) ва М.С.Шалыт (1960) усулида аниқланди. Уруғ массасини, уруғ ўлчамини аниқлаш учун Х.Қ. Қаршибоев ва бошқ. (2008) методидан фойдаланилди. Далачойнинг фитокимёвий таркиби 2019 йилда “Государственная фармакопея XI издание. Выпуск 1. Общие методы анализа” (1987) фойдаланиб ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти Флавоноидлар лабораториясида аниқланди.

Таҷриба ўтказган майдоннинг тупроқ таркиби И.Ниязалиев (1980) ва В.Г.Минеева (1989) усуллари билан аниқланди. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди .

Диссертациянинг “*Hypericum perforatum L.* нинг морфо- биологик хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида далачойни уруғларининг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги, интродукция шароитида унинг онтогенез хусусиятлари, мавсумий ривожланиш мароми, вегетация давомийлиги, илдиз тизимининг шаклланиши тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Латент даври (se) далачой уруғлари тўқ кўнғир рангда бўлиб жуда кичик чўзиқ шаклда, узунлиги 1,1-1,3 мм ва эни 0,4-0,5 мм атрофида бўлади. 1000 (минг) дона уруғининг оғирлиги 0,11-0,12 гр ни ташкил этади. Уруғлар лаборатория шароитида 13-14 кундан бошлаб униб чиқа бошлайди. Далачой уруғининг униши турли мусбат ҳароратларда 5-10°C, 15-20°C, 25- 30°C, 35-40°C ва 45°C ларда кузатилди. Уруғлар +5+10°C да уна бошлади, лекин униш куввати паст бўлди. 13 кундан кейин униши тезлашиб, уруғларнинг энг юқори униши 14 -16 чи кунда 82,7% бўлган оптимал ҳарорат +35°C ни ташкил этди.

H. perforatum нинг оптимал экиш муддатларини аниқлашда экиш учун ҳар бир вариантга 100 тадан тўлиқ етилган уруғлар 4м² да 11 сентябр, 15октябрь, 15 ноябр, 15 феврал, 15 март ва 15 апрел кунлари экилди. Олинган маълумотларга қараганда уруғларнинг униб чиқиш муддатлари орасида кескин фарқлар борлиги аниқланди. Уруғининг энг кўп униб чиқиш жараёни 15 октябрь ойида экилган вариантда кузатилди. Бунда 100 экилган уруғдан 90,3% униб чиқди. Энг кам униб чиқиши 15 апрел ойида экилган вариантда кузатилиб 50,7% ни ташкил қилди.

Уруғнинг экиш чуқурлигини аниқлаш мақсадида уларни ҳар хил чуқурликда (0,3 см, 0,5 см 1 см, 2 см, 3 см, ва 4 см) экиб тажриба қўйилди. Экиш учун ҳар бир вариантда 100 та уруғ санаб олиб 4 м² га экилди. Уруғининг энг кўп униб чиқиши 0,5 см чуқурликда экилган вариантда кузатилиб бу кўрсаткич 90,2 % ни ташкил этди. Экиш чуқурлиги ортиб борган сари унувчанлик даражаси камайиб борди ва энг кам унувчанлик уруғ 3 см чуқурликда экилган вариантда кузатилиб, 10,7% ни ташкил этди.

Кейинги ювенил, имматур ва вояга етган вегетатив босқичлари бири-биридан поя ва баргларининг узунлиги, барг қўлтиғида шохларнинг ҳосил бўлиши ва ён шохларнинг маълум бир ўлчамга етиши билан фарқланади. Ёш генератив босқичида далачой ўсимлиги ғунчаларининг пайдо бўлиши билан характерланади. Ғунчанинг узунлиги 1,1 мм (8-10 июн), 16-17 июн кунлари эса 13 мм гача борди. Бир ўсимликда ғунчалаш даври 8-10 кун давом этиши ўрганилди. Ўрта ёшдаги генератив босқични бошланиши далачойнинг гуллаш даври 2017 йили 15 - июл кунлари кузатилди. Гуллаши 15 июль куни бошланган бўлса, 25 июлга келиб ялпи гуллаш даври кузатилди. Барг қўлтиқларида даставвал 2-тартибдаги, кейин эса 3-тартибдаги генератив новдалар ҳосил бўлди. Натижада новдада тармоқланган рўвак тўпгули ҳосил бўлди. Тўпгулларда 50-150 дан ортиқ ғунча ва гуллар борлиги аниқланди.

Ялпи гуллаш даврида битта ўсимлик тупида ўртача 4,9-5,7 генератив новдалар ҳосил бўлиши кузатилди, ҳар бир генератив новдада 10-50 тагача гул ҳосил бўлди. Поядаги баргларининг шакли ва ўлчамлари ёш генератив ўсимликдаги каби бўлади. Асосий илдизи ва илдизпояси ёғочлашади.

Генератив поядаги қуриган барглр сақланиб қолади. Илдиз тизими максимал ўлчамга 35,7-40,9 см га етади.

Қари генератив босқичи. Меваларнинг етилиши 20-24 июлларда бошланган бўлса, ялпи етилиши 20 августдан 1 сентябргача бўлган даврга тўғри келди. Битта кўсакча мевада 48 тадан 80 тагача уруғ ҳосил бўлганлиги кузатилди. Далачой ўсимлигининг узунлиги 45,3-48 см гача етганда 5-6 та генератив поялар ва 15-20 та иккинчи тартиб вегетатив поялар ҳосил қилади. Поядаги барглрнинг сони, шакли ва ўлчамлари ёш генератив ва ўрта ёш генератив ўсимликдагидек сақланади (1-жадвал).

1-жадвал

***Hypericum perforatum L.* онтогенез босқичларининг давомийлиги**


№	Онтогенез давлари	Бир йилда давомийлиги (кун)
I	Латент даври	14-16
II	Виргинил даври	80-82
	майса босқичи	9-10
	ювенил босқичи	44
	имматур босқичи	17-18
	вояга етган вегетатив босқич	10
III	Генератив даври	57-61
	ёш генератив	18-20
	ўрта генератив	12-13
	қари генератив	27-28
IV	Сенил даври	-

Далачойнинг мавсумий ривожланиш маромини ўрганиш бўйича олиб борилган кузатишларимиз 2017, 2018, ва 2019 йилларда экиш усуллари (30x15см, 45x15см, 60x15см) бўйича экилган далачой уруғининг дастлабки униб чиқиши 2017 йил март ойининг биринчи санасида кузатилди. Унда экилган уруғнинг 40% униб чиққан бўлса, 15 мартда ялпи униб чиқиш ҳолати кузатилди ва 90% ни ташкил этди. Ғунчалаш даври 10 июнда кузатилиб, 20% ни ташкил этган бўлса, 15 кун ўтгандан сўнг, яъни 25 июнда ялпи ғунчалаш даври кузатилди ва 90% га тенг бўлди. Гуллашнинг бошланиши 15 июлда кузатилиб, 10% га тенг бўлган бўлса, 25 июлга келиб, яъни ўн кун ўтгандан сўнг ялпи гуллаш даврида бу кўрсаткич 80-90 % га тенг бўлди.

Мева ҳосил қилишнинг бошланиши 20 июлда кузатилиб, 10% мева ҳосил бўлган бўлса, 20 августга келиб, яъни 30 кун ўтгандан кейин ялпи мева ҳосил қилиш жараёни кузатилди ва бу кўрсаткич 90% ни ташкил этди. Августнинг охири сентябр ойининг биринчи декадасида мевалар тўлик пишиб етилди. Демак биринчи йили барча экиш усулида экилган далачойнинг вегетация даври 158 кунгача давом этди.

Худди шундай қонуният 2018-2019 йилларда ҳам қайд этилди. Далачой уруғининг бошланғич униб чиқишида экилган йиллар бўйича фарқланиш борлиги кўзга ташланди. Чунончи 2017 йилда кузатилган далачой уруғининг бошланғич униб чиқиши 40%, иккинчи йили (2018 й) 55% ва учинчи (2019)

йили 55-60% га тенг бўлди. Кейинги вегетация фазаларининг ўтиши (ғунчалаш, гуллаш, мева ҳосил қилиш) барча вариантларда деярлик бир хил бўлди. Умуман олиб қаралганда, биринчи йил (2017 й) далачой ўсимлигининг ялпи униб чиқишдан ялпи ғунчалаш фазасигача 102 кун ялпи ғунчалашдан ялпи гуллаш давригача 30 кун ва ялпи гуллашдан ялпи мевасининг пишиб етилишигача 26 кун давом этди. Икинчи йил (2018 й) вегетация даврининг узунлиги 155 кунга тенг бўлиб, далачой ўсимлигининг ялпи униб чиқишдан ялпи ғунчалаш фазасигача 94 кун, ялпи ғунчалашдан ялпи гуллаш давригача 30 кун ва ялпи гуллашдан ялпи мевасининг пишиб етилишигача 31 кун давом этди. Учунчи йил (2019 й) эса вегетация даврининг узунлиги 154 кунга тенг бўлди ва далачой ўсимлигининг ялпи униб чиқишдан ялпи ғунчалаш фазасигача 98 кун, ялпи ғунчалашдан ялпи гуллаш давригача 29 кун ва ялпи гуллашдан ялпи мевасининг пишиб етилишигача 27 кун давом этди (1-расм).



1-расм. *Hypericum perforatum* нинг вегетация даври (2017-2019 йиллар)

Турли хил экиш усулларида етиштирилган далачойнинг вегетация давридаги морфологик белгиларини ўрганиш бўйича тажрибаларимиз 2016 йил 15 октябрь 30x15 см, 45x15 ва 60x15 см экиш усулларида қўйилди. Кузатишлар 2017 йил март ойидан бошлаб олиб борилди.

Биометрик ўлчамлар далачойнинг гуллаш фазасига тўлиқ кирган вақтда яъни 26 июлда кузатилди. Бунда ўсимлик баландлиги (асосий новданинг узунлиги), етилган барглarning ўлчами, поядаги генератив ва вегетатив новдалар сони ва узунлиги, новдадаги гуллар сони ва тўпгулларнинг узунлиги каби белгилар ҳисобга олинди. Кузатишлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, ўсимлик асосий новдасининг баландлиги экиш усуллари бўйича бир хил бўлмади. Чунончи, 30x15 экиш усулида асосий новда баландлиги 45,5 см га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 45x15 экиш усулида

46,3 см ва 60x15 экиш усулида эса 47,1 см ни ташкил этди. Демак, энг баланд ўсимлик охирги 60x15 см экиш усулида кузатилди. Етилган барглар ўлчамида ҳам фарқланиш борлиги кузатилди. Масалан 30x15 экиш усулида барг узунлиги 1,3 см, эни 0,6 см ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткичлар 45x15 экиш усулида, 1,5 см, эни 0,7 см ва 60x15 см экиш усулида эса 1,7 см ва 0,8 см га тенг бўлди. Тўп гулининг узунлиги бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич 60x15 см экиш усулида кузатилиб 5 см га тенг бўлди. Поядаги гуллар сонини ўрганганимизда, бу кўрсаткич 30x15 см экиш усулида бир ўсимликда 50,4 донани, 45x15 см экиш усулида 51,3 ва 60x15 см экиш усулида 52,6 донани ташкил этди. Бу ерда ҳам энг кўп гуллар сони 60x15 см экиш усулида қайд қилинди. Генератив новдалар сони 30x15 см экиш усулида 3,5 донани вегетатив новдалар эса 25,4 донани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 45x15 см экиш усулида 4,1 дона, вегетатив новдалар 28,2 дона ва 60x15 см экиш усулида эса мутаносиб равишда 4,3 та генератив новда ва вегетатив новдалар эса 30,2 донани ташкил этди. Биринчи тартиб вегетатив новдалар узунлиги 30x15 экиш усулида 25,6 см, 45x15 см экиш усулида 26,1 см ва 60x15 см экиш усулида эса 28,3 см га тенг бўлган бўлса, иккинчи тартиб новдалар узунлиги мутоносиб равишда 17,3 см, 18,4 см, 19,1 см га ва учинчи тартиб вегетатив новдалар узунлиги 2,0 см, 3,2 см, 4,1 см га тенг бўлди. Асосий генератив новдалар узунлиги 30x15 см экиш усулида 40,1 см, 45x15 см экиш усулида ҳам 40,3 см ва 60x15 см экиш усулида 44,2 см га тенг бўлди. 2, 3 ва 4-чи тартиб вегетатив новдалар узунлиги анча қисқа бўлиб, уларда ҳам экиш вариантлари бўйича фарқланиш борлиги кузатилди. Чунончи, 30x15 см экиш усулида 2 чи тартибдаги генератив новдалар узунлиги 4,1 см, 3 чи тартибдаги 3,1 см ва тўртинчи тартибдаги 1,0 см га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар мутоносиб равишда 45x15 см экиш усулида 5,0 см, 4,0 см, 1,2 см га ва 60x15 см экиш усулида эса 7,2 см, 5,0 см ва 1,5 см ни ташкил этди.

Барча кўрсаткичлар яъни вегетатив ва генератив новдаларнинг яхши ривожланиши 60x15 см экиш усулларида қайд этилди. 2-3 йилларда ҳам худди шу қонуният яъни қайта ҳосил бўлган вегетатив ва генератив новдаларнинг кўпроқ ривожланиши 60x15 см экиш усулларида қайд этилди.

Н. perforatum ни йиллар бўйича (2017-2019) биометрик ўлчовларини ўртачасини таҳлили шуни кўрсатадики, далачой уруғи 1 мартда униб чиққанда асосий новдада 2,0 та барг ҳосил бўлиб унинг узунлиги 0,2 см ва эни 0,1 см га тенг бўлди. Асосий новда бўйи эса 0,2 см ни ташкил этди. 10 чи майга қадар асосий новданинг бўйи ва ундаги барглар сони, баргларнинг ҳажми борган сари кўпайиб борди ва 10 майга келиб асосий новданинг бўйи 10,2 см гача етган бўлсада ҳали унда ён новдаларнинг ҳосил бўлиши кузатилмади. Бу санада асосий новдада 26,2 та гача барг ҳосил бўлди ва ҳар бир баргнинг ўртача узунлиги 0,9 см ва эни 0,6 см га тенг бўлди. 20 майдан бошлаб асосий новдада ён новдалар шакллана бошлади ва уларнинг шу кунга қадар ҳосил бўлган сони 7,1 тага тенг бўлди. Бу ён новдаларнинг бўйи ўртача 0,3 см ни ташкил этди. Ён новдада 4,3 тадан барг ҳосил бўлиб, уларнинг узунлиги 0,2 см ва эни 0,1 см га тенг бўлди. Вегетация даврининг

ўтиши билан асосий новда бўйи, ундаги ён новдалар ва ён поялардаги барглар сони ва уларнинг ўлчами орта борди. Чунончи 20 июнга келиб асосий новданинг бўйи 50,3 см гача борган бўлса унда ҳосил бўлган барглар сони 72,3 та бўлиб, баргларнинг узунлиги 1,7 см ва эни 0,9 см га тенг бўлди. Асосий поядаги ён новдалар бўйи 17,4 см ён новдадаги барглар сони 30,3 та ва барг эни 0,8 см, бўйи эса 1,3 см ни ташкил этди.

Турли ёшдаги далачойнинг гуллаш ва мевалаш фазасидаги ўсимлик тубида ҳосил бўлган новдалар сонини биз асосан август ва сентябрь ойларида кузатилди. Далачой тўла ўсиб гуллаш фазасига кирганда, иккинчи ва учинчи йилларида ҳам шу фаза даврида шаклланган новдалар сони ҳисобга олинди. Биринчи вегетация йилда (2017) генератив новдалар сони 30x15 см экиш усулида бир ўсимлик тубида 3,4 донани ташкил этган бўлса 2 чи ва 3 чи вегетация йилида (2018- 2019) бу кўрсаткич 4,1-4,3 донани ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 45x15 экиш усулида мутоносиб равишда 5,1; 6,4; 7,3 дона ва 60x15 см экиш усулида эса 6,1; 7,3 ва 9,5 донага тенг бўлди. Демак, генератив новдалар сони 2 ва 3 чи йил вегетация даврларида барча вариантларда ҳам ортиб бориш қонуниятини кузатилди. Энг кўп генератив новдалар сони 60x15 см экиш усулида 3 чи вегетация йилида кузатилиб, 9,5 донани ташкил этди. Вегетатив новдалар сони генератив новдалар сонидан анча кўп шаклланиши кузатилди. Чунончи, 30x15 см экиш усулида 1 чи вегетация йилида бир ўсимлик тубида 20,4 та 2 чи вегетация йилида 24,6 дона ва учинчи вегетация йилида 26,2 дона ҳосил бўлган бўлса бу кўрсаткичлар 60x15 см экиш усулида эса 26,3; 28,7 ва 30,4 донага тенг бўлди. Вегетатив новдаларнинг ҳам энг кўп миқдори барча вариантлар бўйича 3 чи вегетация йилида 60x15 см экиш усулида кузатилди. Яъни бу вариантда ҳосил бўлган вегетатив новдалар сони, қолган бошқа вариантлардаги новдалар сонидан 4,3-10,4 дона ортиқ ҳосил бўлганлиги кузатилди.

Олинган маълумотларга қараганда биринчи вегетация йилида далачойнинг ўқ илдизи яхши ривожланиб у тупроқнинг 20,9 см чуқурлигигача, ён илдизлар тупроқнинг горизонтал қатлами томон 12,7 см га етади. Тупроқ юзасига яқин жойлашган далачой қисмидан илдизпоялар ҳам ҳосил бўла бошлайди, иккинчи вегетация йилида эса ўқ илдиз анча чуқур ривожланиб 25,8 см чуқурликкача, ён томонга қараб 17,2 см етиб боради. Иккинчи вегетация йилида бир нечта кучли ривожланган ён илдизлар ҳам ҳосил бўлиб, улар горизонталига қараб ривожланган бўлади. Илдизнинг юқори қисмида илдиз поялар ҳам анча ривожлангандир. Далачойнинг учинчи вегетация йилида илдиз системаси кучли ривожланиб бунда ўқ илдиз тупроқнинг 40,9 см чуқурлигигача етади ҳамда ўқ илдиздан кўп миқдорда ривожланган ён илдизлар ҳосил бўлиб тупроқнинг горизонтал томонига 22,7 см гача тарқалади. Ён илдизлардан эса кўп миқдорда иккинчи тартибдаги ён илдизчалар ҳам шаклланади. Бундан ташқари илдизнинг юқори қисмида кучли ривожланган илдиз пояларнинг ҳосил бўлиши кузатилди.

Демак, далачой илдиз тузилишини махсус ва универсал ривожланган илдиз системасининг оралиқ шаклига киритиш мумкин.


Диссертациянинг “*Hypericum perforatum L.* нинг гуллаш биологияси, мева ва уруғларнинг етилиши ва фитокимёвий таркиби” деб номланган тўртинчи бобида ўсимликнинг гуллаш биологиясини, уруғ ва мевасининг етилиши ва тузилиши, ўлчами, массаси бўйича маълумотлар берилган. Ғунчаларнинг етилиш жараёнини биз 8-17 июн кунлари, ҳаво ҳарорати +29,0 °С ва нисбий намлиги 34,2 % да, 60x15 см экиш усули вариантыдаги ўсимликда олиб бордик. Ғунчалаш 8 июн куни бошланган бўлса, унинг катталиги 1,0 мм, 10 кундан кейин, яъни 17 июнда ғунчанинг ўртача катталиги 13 мм ни ташкил этди ва шу кундан бошлаб гуллай бошлади. Демак ғунчалаш даври 8-10 кун давом этди.

H. perforatum гул очилишнинг суткалик ритмларини ўрганиш шуни кўрсатадики, гуллар асосан эрталаб соат 4⁰⁰ дан очила бошлайди. Гулларнинг очилиши соат 4⁰⁰ дан бошланиб соат 6⁰⁰ да бутунлай якунланиши аниқланди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, беш кун ичида ҳаммаси бўлиб очилган гуллар соат 4⁰⁰ да 15,0% ни ташкил этган бўлса, уларни ялпи очилиши 5⁰⁰ да кузатилиб 95,0% га тенг бўлди, бунда ҳавонинг ҳарорати +19°С ва нисбий намлиги 55,3 % да кузатилди. Соат 6⁰⁰ га келиб гулларнинг очилиши умуман кузатилмади. Далачой ўсимлигида баъзи бир бошқа ўсимликларга ўхшаб гултожи барглари эпилиш жараёни кузатилмади.

Гултожи барглари куннинг иккинчи ярмига бориб ранги ўзгариб оч сариқ ранга айланади ва кечки 20⁰⁰ - 21⁰⁰ ларда гултож барглари очилган ҳолатида аста секинлик билан қурий бошлайди. Далачойни ялпи гуллаш давридаги нисбий намлик 55,3% ни ҳарорат 19°С бўлиши мумкинлиги аниқланди (2-расм). Демак *H. perforatum* гулининг оптимал очилиш муддати куннинг биринчи ярмида эрталаб соат 5⁰⁰ ҳисобланади.

H. perforatum нинг мавсумий гуллаш жараёнини 10 июлдан 24 июлгача бўлган кунлари ўрганилди. Биринчи куни яъни 10 июлда барча тупларда биттадан гул очилган бўлиб ҳаво ҳарорати 35°С, нисбий намлиги эса 27,2% ни ташкил қилди. Кейинги кунларда очилган гуллар сони борган сари ортиб борди.

Кузатишнинг дастлабки куни (11 июлда) ҳар бир тупда ўртача 1,7 дона гул ҳосил бўлиб, ҳаво ҳарорати 34,3°С ва ҳавонинг нисбий намлиги 28,1% га тенг бўлган бўлса 22 июлда яъни кузатишнинг 12 чи куни бу кўрсаткич 24,3 донани ҳаво ҳарорати 32,3°С ва ҳавонинг нисбий намлиги 28,6% ни ташкил этди. Яъни гулларни ялпи очилиш даври кузатилди. Кейинги кунларда гул очилиши яъна камайиб бориб 30 июлга келиб гулларнинг очилиши тугади. *H. perforatum* мевасининг етилиш жараёнини 60x15 см экиш усулларида (2017-2019 йй) август ойларининг иккинчи декадасидан бошлаб кузатилди. Бу кўрсаткич 10 августда ўлчаганимизда 10 туп ўсимликдаги меванинг ўлчами ўртача 0,1см га тенг бўлди. Кунлар ўта борган сари меваларнинг етуклашиб, катталашиб бориш жараёни кузатилди ва 18 августда 0,6 см га тенг бўлди. Далачой мевасининг ўлчами, битта мевадаги уруғ миқдори ва уруғ оғирлиги 15 октябр 2016 йилда экилганда (2017-2019 йй.) усуллар бўйича фарқлар борлиги кузатилди. Чунончи 30x15 экиш усулида мева узунлиги 0,4 см, эни 0,3 см га тенг бўлган бўлса бу кўрсаткич 45x15 см экиш усулларида 0,5; 0,4



2-расм. Сутка давомида гул очилишининг ҳаво ҳарорати ва нисбий намликка боғлиқлиги

см ва 60x15 см экиш усулларида 0,6; 0,5 см ни ташкил этди. Нисбатан йирикроқ мева 60x15 см экиш усулида кузатилди. Битта мевада ҳосил бўлган уруғлар сони ва оғирлигида эса кескин фарқланиш борлиги кузатилди. Чунончи 30x15 см экиш усулида битта мевада 48,0 дона уруғ ҳосил қилган бўлса, уларнинг оғирлиги 0,0050 гр га тенг бўлди. 45x15 см экиш усулида 50,1 та уруғ ва унинг оғирлиги 0,0068 гр ни ташкил этди. Бу соҳада энг юқори кўрсаткич 60x15 см экиш усулида кузатилиб, битта мевада 80,0 та уруғ ҳосил бўлиб уларнинг оғирлиги 0,0087 гр га тенг бўлганлиги аниқланди. Демак, 60x15 см экиш усулида ҳосил бўлган уруғлар сони 30x15 см дагига қараганда 32,0 дона ва 45x15 см дагига нисбатан 2,1 дона кўп ҳосил бўлганлиги кузатилди. Уруғ оғирлиги бўйича эса 60x15 см экиш усулида битта мевада ҳосил бўлган уруғлар оғирлиги 45x15 см экиш усулидагига нисбатан 0,0018 гр ва 30x15 см га нисбатан 0,0037 гр юқори бўлганлиги аниқланди.

H. perforatum ўсимлигини йиллар бўйича уруғ маҳсулдорлигини аниқлаганимизда бир ўсимлик тупида ҳосил бўлган гуллар, мевалар ва уруғлар сони ва маҳсулдорлигида экилган йиллар бўйича фарқ борлиги кузатилди. Чунончи, биринчи йилда 60x15 см экиш усулида ҳосил бўлган гуллар 40,2 донани, мевалар сони 30,1 донани, ҳар бир мевадаги уруғлар сони эса ўртача 38,3 донани ва уруғ маҳсулдорлиги 95,2 % ни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич иккинчи йилда мутоносиб равишда 50,3; 40,2; 46,7 ва 92,8; га тенг бўлган бўлса учинчи йилда эса 70,9; 60,3; 72,2 ва 101,8% га тенг бўлди. Ўртача уч йил давомида бир тупда ҳосил бўлган гуллар сони 53,8; мевалар 43,5; уруғлар 52,4; уруғ маҳсулдорлиги 96,3% бўлганлиги кузатилди (2- жадвал). Демак, энг юқори кўрсаткич учинчи вегетация йилида кузатилиб,

бунда уруғ махсулдорлиги биринчи вегетация йилига нисбатан 7,3 % ортиқ бўлганлиги кузатилди.

Ўсимликнинг фитокимёвий таркибини ўрганиш учун ғунчалаш, гуллаш, ҳамда илдизидаги ошловчи моддалар, органик кислоталар, флавоноидлар ҳамда аскорбин кислотасининг миқдори аниқланди.

2-жадвал

H. perforatum нинг уруғ махсулдорлиги 2017-2019 йй. (n=100)

Йиллар	Ҳосил бўлган гуллар сони ПУМ	Мевалар сони	Мевада нормал ривожланган уруғлар сони, дона РУМ	Уруғ махсулдорлик коэффициенти % УМК
2017	40,2±1,58	30,1±1,52	38,3±1,55	95,2
2018	50,3±1,52	40,2±1,48	46,7±1,58	92,8
2019	70,9±1,55	60,3±1,55	72,2±1,55	101,8
M+m	53,8±2,05	43,5±2,12	52,4±1,52	96,3

Таҳлиллардан шу нарса аниқ бўлдики, ошловчи моддаларнинг энг кўп миқдори гуллаш фазасида кузатилиб, 9,79 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткич далачойнинг шоналаш даврида 7,55% ва илдизида 7,65% га тенг бўлди. Органик кислоталарининг ҳам нисбатан ортиқ миқдори гуллаш даврига тўғри келиб, 1,46% ни ташкил этди. Флавоноидлар таркибини ўрганишда эса, бу моддаларнинг энг кўп миқдори ғунчалаш фазасида кузатилиб, 3,40% га тенг бўлди. Бу кўрсаткич гуллаш фазасида 0,47% ни ва илдиз таркибида эса 0,49% ни ташкил этди. Аскорбин кислотасининг нисбатан юқори кўрсаткичи ғунчалаш фазасида кузатилди ва у 0,012 (12,8 мг/100 г) га тенг бўлди. Аскорбин кислотаси далачойнинг гуллаш фазасида 0,010 (10,2 мг/100 г) ва илдизи таркибида энг кам миқдорда кузатилиб, 0,0078(7,83мг/100г) га тенг бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

H. perforatum ни интродукция шароитида фитокимёвий таркиби

Органларда моддаларни тўпланиши	Биологик фаол (актив) моддалар, таркиби %				
	Намли к	Ошловчи моддалар	Органик кислоталар	Флавоноидлар	Аскорбин кислота
Ғунчалаш	6,34	7,55	1,28	3,40	0,012 (12,8мг/100г)
Гуллаш	5,72	9,79	1,46	0,47	0,010 (10,2мг/100г)
Илдиз	7,51	7,65	1,15	0,49	0,0078 (7,83мг/100г)

Демак юқоридаги таҳлиллар натижасидан шу нарса аниқ бўлдики ошловчи моддаларни олиш мақсадида асосан далачойнинг гуллаган фазасидан фойдаланиш ва аскорбин кислотасини, флавоноидларни ажратиб

олишда ғунчалаш фазасига кирганда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, интродукция шароитида маданийлаштирилган далачой илдизидан фармацевтика саноати учун зарур бўлган кимёвий элементларни олишда фойдаланиш имкони мавжуд.

Диссертациянинг “*Hypericum perforatum L.* ни етиштиришнинг айрим технологик элементлари” деб номланган бешинчи бобида далачой етиштиришнинг мақбул экиш усуллари, муддатлари, хомашё фитомассасини аниқлаш 2016 йилда турли хил экиш усулларида (30x15 см, 45x15 ва 60x15 см) экилган ўсимликнинг гуллаш фазаси даврида, 2017 йил 15 июл, 2018 йил 25 июл ва 2019 йил 21 июлда олиб борилди. Фитомасса хомашёсини ўрганиш шуни кўрсатдики, экиш усуллари бўйича биринчи вегетация йилида 30x15см экиш усулида йиллар бўйича кузатилганда деярлик фарқланиш кузатилмади яъни барча йилларда ҳар гектар ердан 11 центнерга яқин ҳосил олинди.

Чунончи, 45x15 см экиш усулида 2017 ва 2018 йилларда ҳар гектар ердан 12,3 – 12,4 центнер ҳосил олинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13,2 центнерни ташкил этди. Худди шундай қонуният 60x15 см экиш усулида ҳам қайд этилди. Яъни бу вариантда 2017 ва 2018 йилларда 14,5 -14,7 центнер ҳосил олинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 15,2 центнерга етди. Ҳосилдорликнинг ўртача кўрсаткичи уч йилда 30x15 см экиш усулида 11,4 ц/га, 45x15см да 12,6 ц/га ва учинчи вегетация йили 14,8 ц/га ни ташкил этди ёки 60x15 см экиш усулида олинган фитомассанинг ўртача ҳосилдорлиги 45x15 см экиш усулидагига нисбатан 2,2 центнер ва 30x15 см дагига нисбатан эса 3,4 центнер кўп бўлганлиги кузатилди (4-жадвал).

4 -жадвал

H. perforatum хомашёсининг ҳосилдорлиги ц/га

Экиш усуллари	15.07.2017 й	25.07.2018 й	21.07.2019 й	ўртачаси
30x15	11,2±0,07	11,3±0,07	11,8 ±0,08	11,4±0,16
45x15	12,3±0,16	12,4±0,16	13,2±0,15	12,6±0,22
60x15	14,5± 0,16	14,7±0,16	15,2±0,16	14,8±0,08

Далачой фитомассасини йиллар бўйича аниқлаш шуни кўрсатдики, экилган йили (2017) да 30x15 см экиш усулида ўсимлик баландлиги 45,5 см, 2 чи йилда (2018) 46,3 учинчи вегетация йилида 47,1 см ни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 45x15 см экиш усулида мутаносиб равишда 46,3 см; 47,2 см; 48,4 см га ва 60x15 см экиш усулида эса 47,1 см; 48,3; 50,3 см га тенг бўлди. Энг баланд ўсимлик бўйи 60x15 см экиш усулида экилган далачойнинг 3 чи йил вегетация даврида кузатилиб у 30x15 см экиш схемасидаги 3 чи йил вегетация давридаги ўсимлик бўйидан 3,2 см ортик бўлганлиги аниқланди. Ҳосил бўлган генератив новдалар сонидан ҳам фарқлар борлиги кузатилди. Чунончи 30x15 см экиш усулида биринчи вегетация йилида 3,4 иккинчи ва учинчи вегетация йилида 4,1-4,3 донадан ҳосил бўлган бўлса бу кўрсаткич 60x15 см экиш усулида 6,1; ва 7,3-9,5 дона ҳосил қилди. Бу ерда ҳам энг кўп генератив новда 60x15 см экиш усулидаги учинчи йил вегетация даврида кузатилди.

Хомашё массасини ҳисобга олганда шу нарса кўзга ташландики 60x15 см экиш усулида хомашё миқдори барча кузатилган йилларда 30x15 см ва 45x15 см, экиш усулларидаги хомашёдан кўп ҳосил бўлганлиги кузатилди. Чунончи 60x15 см экиш усулида биринчи вегетация йилида 1 тупда 20,1 ҳўл ва 9,9 г куруқ масса ҳосил бўлган бўлса, 2 чи ва 3 йилларда 21,3 гр 22,4 гр фитомасса ҳосил қилди. 45x15 см экиш усулида фитомасса миқдори йиллар бўйича мутаносиб равишда 18,1; 8,0 гр; 19,5; 9,70; гр 20,6; 10,72 гр га тенг бўлди. 30x15 см экиш усулида 1 чи вегетация йилида 18,1 гр ҳўл ва 8,0 гр куруқ масса, 2 чи вегетация йилида 19,5; 9,70 гр ва учинчи вегетация йилида эса 20,5гр ва ҳўл ва 10,47гр куруқ масса бўлиши аниқланди. Ҳосил бўлган фитомасса миқдори барча вариантларда ҳам деярлик бир хилдай бўлди. Фақат 60x15 см экиш усулида 3 чи йили вегетация даврида ҳосил бўлган фитомасса миқдори нисбатан кўп бўлганлиги кузатилди.

Демак, *H. perforatum* нинг морфо-биологик хусусиятлари ўсиш ва ривожланиши, экиш чуқурлиги ва муддатларида уруғининг униб чиқиши, гуллаш биологияси, уруғ ва фитомассасини ҳосилдорлиги, фитокимёвий таркиби, интродукция шароитига тўлиқ мослаша олганлиги, бу ўсимликни Республикамизнинг бўз тупроқларида 60x15см экиш усулида етиштириш имконини беради.

ХУЛОСА

Далачой (*Hypericum perforatum* L.) нинг морфо-биологик хусусиятлари мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Самарқанд вилояти бўз тупроқлари шароитида етиштирилган далачойнинг биринчи йилдаги вегетация даври 158 кун, иккинчи йилдаги 155 кун ва учинчи йилда 154 кунни ташкил этди. Биринчи вегетация йилида ялпи униб чиқишдан ялпи ғунчалашгача 102 кун, ялпи ғунчалашдан ялпи гуллаш давригача 30 кунни ва ялпи гуллашдан мевасининг ялпи етилишигача 26 кунни ташкил этди. Бу қонуният иккинчи ва учинчи вегетация йилларида ҳам қайд этилди.

2. *H. perforatum* уруғининг ялпи униб чиқиши 35°С да энг юқори 82,7% ни ташкил этди. Ўсиш қуввати бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич 35°С да кузатилиб 53,3% га тенг бўлди;

дала шароитида уруғнинг оптимал экиш муддати 15 октябрда экилган вариантда кузатилиб, бу кўрсаткич 90,3% га тенг бўлган, уруғнинг мақбул экиш чуқурлиги 0,5 см эканлиги аниқланди;

ўсимликнинг онтогенезида виргинил ва генератив даврлари ҳамда босқичлари тўлиқ ўтиши батафсил ёритилди ва ювенил, имматур ва вояга етган вегетатив босқичлари бир-биридан поя ва барглариининг узунлиги, барг қўлтиғида шохларнинг ҳосил бўлиши ва ён шохларнинг маълум бир ўлчамга етиши билан фарқланиши аниқланди.

3. Вегетация даврининг ўтиши билан асосий новда бўйи, ундаги ён новдалар ва ён поялардаги барглари сони ва уларнинг ўлчами ортди ва энг кўп

генератив новдалар сони 60x15 см экиш усулида учинчи вегетация йилида кузатилди.

4. Далачой илдизи махсус ва универсал ривожланган илдиз системасининг оралиқ шаклига мансублиги боис, унда кучли ривожланган ўқ илдиз билан ён томонга қараб ривожланган ён илдизлар мажмуаси тупроқдаги сув ва минерал озикалардан унумли фойдаланишга имкон беради.

5. Далачойнинг фитокимёвий таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики ошловчи моддаларнинг энг кўп миқдори гуллаш, флавоноидлар ва аскорбин кислотаси ғунчалаш фазасида нисбатан кўп миқдорда эканлиги аниқланди. Шунинг учун ошловчи моддалар олиш мақсадида далачойнинг гуллаган фазасида, аскорбин кислота ва флавоноидларни ажратиб олишда эса ғунчалаш фазасида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

6. Далачой гулининг очилиш вақти иқлим омилларига боғлиқ бўлиб, битта ўсимлик тупидаги гулларнинг ҳаммаси 15 кун давомида гуллайди, Гулларнинг ялпи очилиш даври 21-22 июль кунлари ҳавонинг ҳарорати 35°-32,3°С, нисбий намлиги 26,8-28,6% бўлиши қайд этилди.

7. Далачой етиштиришнинг оптимал экиш муддати 15 октябрь 60x15 см экиш усули ва 0.5 см чуқурликда экиш тавсия этилади, бунда фитомасса ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 14.8 центнерни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЬ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

БЕГМАТОВА МАЛОХАТ ХУШВАҚТОВНА

**МОРФО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЗВЕРБОЯ
ПРОДЫРЯВЛЕННОГО (*HYPERICUM PERFORATUM L.*)**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/B390.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хамдамов Искандар
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мавланов Хударган
доктор биологических наук, профессор
Махкамов Тробжон Хусанбоевич
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «24» июля 2021 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Конференц-зал факультета Биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № 31). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан: «9» июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки № «17» 9 июля 2021 года)



З.Т. Ражамуродов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор биологических наук, профессор

М.С. Кузиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии по биологическим наукам (PhD)

Х.К. Хайдаров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с быстрым приростом населения в мире ежегодно возрастает спрос как на лекарственные растения, так и на их сырье. Выращивание лекарственных растений в искусственных условиях даёт возможность сохранения их природных ресурсов. В последние годы изучение морфобиологических особенностей лекарственных растений, возделываемых в искусственных условиях указывает на необходимость разработки технологий их выращивания и технологий заготовки сырья. В связи с этим всестороннее изучение перспективных лекарственных растений в климатических условиях конкретного региона, разработка рекомендаций по технологии выращивания сырья для фармацевтической промышленности имеет важное значение.

В мире проводятся научные изыскания в области практических исследований, направленных на изучение биометрических показателей, определение биомассы и фитохимического состава лекарственных растений в зависимости от разных условий посева, с учетом онтогенетических особенностей, а также разработке технологии приготовления сырья. В связи с этим отдельное внимание уделяют обоснованию морфобиологических особенностей, признанного как перспективное лекарственное растения *Hypericum perforatum*, определение фитохимического состава его надземной части и корня в зависимости от периода онтогенеза, а также разработке технологии возделывания на основе определения урожайности биомассы в разных условиях посева.

В нашей стране особое внимание уделяется всесторонним исследованиям лекарственных растений, изучению их фитохимического состава, а также разработке технологии их выращивания в различных климатических условиях. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи «...дальнейшего развития фармацевтической отрасли, обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарствами»¹. Исходя из этих задач, обоснование морфобиологических особенностей *Hypericum perforatum* в различных климатических условиях, определение фитохимического состава на разных этапах онтогенеза, а также разработка рекомендаций по выращиванию сырья имеет важное научное значение.

Данное диссертационное исследование в некоторой степени служит в реализации задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 ноября 2017 г. № УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 г. № ПП-2911 «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности республики», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2020 г. № ПП-4670 «О

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан » 7 февраля 2017 года .

мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов» и Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-4901 от 26 ноября 2020 года «О мерах по расширению масштаба научных исследований о выращивании и переработке лекарственных растений, развитии налаживания их семеноводства» и в других нормативных актах, относящиеся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Материалы по изучению биологии, химии, фармакологии и токсикологии биологически активных компонентов растения *H. perforatum* опубликованы рядом зарубежных ученых K.Berger et al., (2002), L.Patouka (2003), F.Garcia et al., (2006), S.J.Murch., P.K.Saxena (2006), J.Soelberg et al., (2007), A.Smelcerovic et al., (2007).

